



“ТРАНСПОРТ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН

Манба: ЎРҚ–706-сон, 09.08.2021 й.

@huquqiyaxborot

Автомобиль, ҳаво, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва транспорт инфратузилмаси объектлари **Ўзбекистоннинг ягона транспорт тизимини** ташкил этади



Транспорт вазирлиги соҳада **махсус ваколатли давлат органи** ҳисобланади



Транспорт воситалари **мувофиқлик ёки транспорт воситаси турини маъқуллаш** сертификатига эга бўлиши ва рўйхатдан ўтказилиши керак



Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган транспортларни Ўзбекистонга олиб кириш, ишлаб чиқариш, сотиш ёки улардан фойдаланиш тақиқланади



Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида юкларни транзит олиб ўтиш чоғида транзит юклар ва ҳужжатлар **идентификация қилинади**



Ўзбекистонда товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан бажариладиган операциялардан келиб чиққан ҳолда халқаро ва ҳудудий **транспорт-логистика марказлари** ташкил этилиши мумкин



Транспорт ташкилотлари ва ташувчилар фаолияти транспорт ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган ҳамда меҳнат шароитлари ўта зарарли ва ўта оғир шароитларда банд бўлган **ҳодимларнинг дастлабки ҳамда даврий тиббий кўриклардан ўтказилишини** ташкил этиши шарт



Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда транспорт ташкилотларининг объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, улар жойлашган ерларда ер ости иншоотларини жойлаштириш тақиқланади



Ваколатли органлар вокзалда, аэровокзалда, аэропортда, метрополитенда ва автостанцияга кириш жойида транспорт воситасини, багажни, юк багажини ва юкни, йўловчиларни ва бошқа шахсларни **кўздан кечиришдан ўтказиши мумкин**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан **3 ой ўтгач** кучга киради.

